

**Ўзбекистон Республикаси ФВВ ЎМТваҚОЁХБ “Навоий кон-металлургия комбинати” ЁХТТЭМ шахсий таркиби томонидан “Навоийуран”ДК объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш мақсадида тузилаётган**

**1966 -сонли ШАРТНОМА**

Навоий шаҳри.

2021 йил 31 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ўта муҳим тоифаланган ва кўриқланадиган объектларда Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси “Навоий кон-металлургия комбинати” объектларини Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази” номидан Низом асосида фаолият юритувчи Зоиров Хайрилло Нуриллоевич (кейинги ўринларда “Марказ” деб юритилади) “Навоийуран”ДК (кейинги ўринларда “Хўжалик органи” деб юритилади) номидан Боз директорининг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари Умридин Базарбаевич Рузиев, 2022 йил 05 январдаги 01-02-01/02/2 сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи иккинчи томондан биргалиқда “Томонлар” деб юритилади, мазкур шартномани қўйидагилар асосида туздилар:

**I.Умумий бўлим.**

1.1. “Марказ”, “Хўжалик органи” объектларида туну-кун хизматни олиб бориб, доимий равиша ёнғин-профилактик тадбирларни амалга оширади.

Хизматни олиб бориш объектлари Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартағи ПҚ-4629-сонли ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 30 мартағи 170-сонли Қарори асосида Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг 2021 йил 10-майдаги 02-10-01/5045 сонли фармойишига асосан тузилган “Навоийуран” Давлат корхонаси ва “НКМК” Акциядорлик жамияти объектларини ёнғиндан ҳимоя қилишни ташкил этиш механизмини аниқлаш бўйича идораларро комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишининг 2021 йил 20 сентябраги №02-10-03/9191- сонли далолатномаси билан тасдиқланган саноат корхоналари ва “Учқудук” ишлаб чиқариш майдони, ГҚП, ГТР-4 (“Суграли”), “Зафаробод” кон бошқармаси, “Нуробод” ишлаб чиқариш майдони объектлари ва иншоотларини кечаю-кундуз ёнғиндан муҳофаза қиласи, кўриқланаётган объектларда режа асосида ёнғин-портлаш хавфини олдини олиш борасида доимий профилактик тадбирларни амалга ошириб боради.

1.2. “Марказ” шахсий таркиби 206 штат бирлигини ташкил этади (50 ҳарбий хизматчи, 156 хизматчи). Ёнғин-техник жиҳозлар, маҳсус ва хизмат транспорт воситалари, бино ва иншоотлар, хизмат ётоқхонаси ва бошқа асосий воситалар белгиланган тартибда “Хўжалик органи”га тегишли ва унинг балансида сакланади.

“Марказ”нинг жойлашув тартиби (дислокация) кўриқланаётган “Хўжалик органи” объектларининг жойига мослаштирилган.

**“Зафаробод” кон бошқармаси объектлари:**

“Зафаробод” кон бошқармаси маъмурий биноси, 6-сонли Автотранспорт ҳўжалиги, Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди, Назорат ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш марказий лабораторияси, Қурилиш ва таъмирлаш участкаси, “Суграли” 4-сонли Геотехнологик кони: (18-КЁҚҚ)

**3-сонли Геотехнологик кони: (19-КЁҚҚ)**

1-сонли Геотехнологик кони, Механика таъмирлаш цехи, Электр тармоқлари ва нимстанциялари цехи: (20-КЁҚҚ)

**2-сонли Геотехнологик кони:**

Марказий моддий техник базаси, Техник назорат хизмати, Уран ишлаб чиқариш бурғилаш ускуналарини ва жиҳозларини мукаммал таъмирлаш участкаси, Автомобилларга ёқилғи қўйиш омбори ва автомобиллирга ёқилғи қўйиш шахобчаси: (21-КЁҚҚ)

**2-сонли Геотехнологик кони “Кетмончи” участкаси: (17-КЁҚҚ)**

**Навоий саноат майдони:**

“Навоийуран”ДК бошқармаси бинолари, Уран ишлаб чиқариш заводи. (1-ЁҚҚ)

“Нуробод” ишлаб чиқариш майдони объектлари (10-ЁҚҚ)

1.3. “Марказ” томонидан қўрикланаётган масканлар сони, тартиби ўзгарганда, шахсий таркибнинг мавжуд штат бирлиги доирасида, 15 кунгача бўлган муддатда, қўшимча пост ва доимий кузатув пунктлари ташкил этилишини “Марказ” раҳбариятини огохлантирган ҳолда бўлим бошликлари томонидан амалга оширилади. “Хўжалик органи”нинг барча масканларининг ёнгин хавфсизлиги ҳолатига ҳар иккала томон биргаликда жавоб беради.

1.4. Зарурат туғилганда, “Хўжалик органи”нинг ташаббуси билан қўшимча, янги объект қўрикка олиниши, ёхуд қўрикланаётган объектнинг бошка ташкилотга берилиши оқибатида қўриқдан чиқарилиши билан боғлик “Марказ” шахсий таркиби сонининг ўзгартирилиши (қисқартирилиши ёки қўшилиши) борасида томонларнинг ўзаро келишуви, идораларо комиссияси далолатномалари асосида ўзгартирилади.

1.5. “Марказ” ўз хизмат фаолиятида олиб борилиши лозим бўлган профилактик тадбирларини, молиявий соҳадаги ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Низом, буйрук, буйруқнома, фармойиш ва кўрсатмалари асосида амалга оширади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ута муҳим, тоифаланган ва қўрикландиган объектларда Ёнгин хавфсизлиги бошқармасига бўйсунади ва унга хисбот беради.

1.6. “Хўжалик органи” ва “Марказ” хизмат фаолиятини илмий-техник тадқиқотларнинг энг замонавий усуслари асосида ташкил этиб, уларни амалиётга татбик этади, қўрикланаётган объектларнинг ёнгин-техник ҳолатини чукур таҳлил этиб, ёнгин ва авария, табиий ва техноген ҳолатлар содир бўлиши мумкин бўлган пайтда ишчи ва хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, объектларни ишдаги технологик жараёнларни ёнгин-портлаш хавфсизлигини таъминлаш, “Марказ” моддий-техник базасини мустахкамлаш, объектлардаги алоҳида технологик жараёнларнинг мавжудлиги сабаб, ишлаб чиқаришда “Хўжалик органи” томонидан маҳсус режим үрнатилади ва шу асосда “Марказ”нинг хизмат вазифаси ва ваколати белгиланади. Ёнгин ва авария ҳолатларини бартараф этишда қўшимча куч ва воситалар жалб этилади.

1.7. Ёнгин хавфсизлиги ҳолатини яхшилаш учун “Марказ” томонидан аниқланган ва асослантириб берилган талабномалар, кўрсатмалар, тадбирлар, шунингдек тавсияномалардаги барча бандларнинг бажарилиши мажбурий ва “Хўжалик органи”га тегишли объектлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

1.8. Ёнгин хавфсизлиги юзасидан “Марказ” ва “Хўжалик органи”нинг ўзаро ҳамкорлиги, мавжуд ва ҳаракатда бўлган норматив ҳужжатлар ва ушбу шартнома асосида белгиланади.

## II.“Марказ”нинг мажбуриятлари

2.1. Қўрикланаётган объектларда доимий равишда ёнгин, портлашларни олдини олиш борасида профилактик тадбирларни амалга оширади, ёнгин хавфсизлиги ҳолатини текширишни ташкиллаштиради ва бажарилишини назорат остига олади, ёнгин ёки портлаш содир бўлганда зудлик билан барча чора-тадбирларни белгилаб, ёнгинни куршаб олиш ва тезда бартараф этиш чораларини кўради.

2.2. Мунтазам равишда “Хўжалик органи” томонидан ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини бажарилишига риоя қилиниши, ёнгин учирин анжомларини, сув таъминоти, ёнгиндан автоматик хабаргоҳлари ва автоматик ёнгин учирин қурилмаларининг бенуқсон ишланини текширади, техник носозлик аниқланганда, зудлик билан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан “Хўжалик органи” раҳбариятига асослантирилган ёзма таклифлар беради.

2.3. “Хўжалик органи” билан ҳамкорликда объектнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида техник воситаларни қўлланилишини ташкиллаштиради.

2.4. “Хўжалик органи” томонидан, қўрикланаётган объектлarda янги иншоотлар куриш, биноларни таъмирлаш, қайта куриш ишларида, оловли ва портлаш хавфи юқори бўлган ишларни амалга оширишида белгиланган меъёрий ҳужжат талаблари ва қоидаларига қаттий риоя қилинишини назорат қиласи.

2.5. “Хўжалик органи” ишчи-хизматчилари ўртасида ёнгин, портлаш ва авария ҳолатларини юзага келишини олдини олиш мақсадидаги профилактик-тушунтириш ишлари,

тавсиялар, йўриқомалар ва ўкув машғулотларини олиб боришни ташкиллаштиради. Кўнгилли ёнгиндан саклаш дружиналари ва авария-куткарув бўлинмалари тайёргарлигини ташкил этишда иштирок этади.

2.6. "Хўжалик органи"да тузилган ёнгин-техник комиссияси ишида қатнашади.

2.7. "Марказ" томонидан кўриқланаётган обьектлардаги худуд. бино, иншоотларнинг талаб даражасига жавоб бермаслиги ҳамда ишчи ва хизматчилар томонидан ёнгин ва бошқа хавф туғдирувчи ҳолатларга риоя қилинмаётганлиги тўғрисида чоралар кўриш юзасидан "Хўжалик органи"га ёзма равища маълум килиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилишини талаб қиласди.

2.8. Кўриқланаётган обьектлар раҳбарлари томонидан тасдиқланган дарс жадвалларида асосан кўнгилли ёнгиндан саклаш дружиналари аъзоларини ўқитилишини ташкиллаштиради.

2.9. "Марказ" тасарруфидаги ёнгин-кутқарув қисимларининг чиқиши жадвали асосида "Хўжалик органи"га тегишли обьектларда жойлашган "Марказ"нинг куч ва воситалари мазкур обьект раҳбарияти билан келишган ҳолда, кўриқланаётган обьектдан ташқарида фавқулодда ҳолат содир бўлганда, ҳамда зарурат туғилганда қўшимча куч ва воситаларнинг чиқиши ёки тўсикларсиз обьектга кириб келишига тўсқинлик бўлмаслиги борасидаги тадбирларни ташкил этади.

2.10. "Марказ" раҳбарияти "Хўжалик органи" билан келишган ҳолда, кундузги ва тунги пайтларда кўриқланаётган обьектларда ёнгин-кутқарув тузилмаларининг куч ва воситаларини тўла жалб этган ҳолда ёнгин-тактик ўкув машғулотларини ўтказилишини ташкиллаштиради.

2.11. "Хўжалик органи" иш фаолиятидаги ёнгин-кутқарув ишларни олиб борилишини мувофиқлаштиради ва амалий ёрдам кўрсатади.

2.12. "Марказ" томонидан ёнгин-кутқарув техникаси, асбоб-анжомлари ва ёнгин учирине воситаларини хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда кўлланилишига йўл қўйилмайди.

### III. "Хўжалик органи"нинг мажбуриятлари

3.1. "Хўжалик органи" ўзининг тасарруфидаги обьектларда ёнгин, портлаш ва бошқа фавқулодда ҳолатлар юз бергандаги хавф-хатарларни олдини олувчи норматив ҳужжатлар талабига тўла риоя қиласди, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишини таъминлайди.

3.2. "Хўжалик органи" томонидан унга тегишли, кўриқланаётган обьектларда жойлашган "Марказ" ва унинг тасарруфидаги шахсий таркибининг хизмат фаолиятини ташкил этиш, ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ маъмурий-маиший бинолар, иншоотлар, маҳсус транспорт ва техника воситалари, асбоб-анжомлар, ҳарбий ва маҳсус кийим-бош ва бошқа хўжалик анжомлари, алоқа воситалари, назорат ўлчов аппарат ва мосламалари, компьютер техникаси, мебель жиҳозлари билан таъминлайди. "Марказ"га бириктирилган бино, иншоотларнинг таъмирланиши, реконструкция қилиниши, маҳсус ва транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш(маъмурий ва майший биноларни капитал ва жорий таъмирлаш, иссиқлик, газ, сув таъминоти) билан боғлиқ асослантирилган маъмурий-хўжалик харажатларни ўз зиммасига олади.

3.3. Хизмат юзасидан зарурат туғилган тақдирда хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда "Марказ"ни қўшимча хизмат транспорти воситалари билан таъминлайди.

3.4. "Хўжалик органи" ўз вақтида "Марказ" томонидан кўриқланаётган обьектларда янгидан қурилаётган, реконструкция қилинаётган, таъмирланаётган (жорий ва капитал) бино ва иншоотлар ва технологик иш жараёнидаги ўзгаришлар, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилаётганлиги, мазкур ишларни бажарилишида оловли ишларни олиб борилиши, шунингдек айрим ишларни бажариш максадида четдан таклиф қилинган ташкилотлар тўғрисида маълумот бериши шарт.

3.5. "Хўжалик органи" обьектларида ташкил этилган кўнгилли ёнгиндан саклаш дружиналари ва авария-кутқарув тузилмаси аъзоларини доимий равища ўқитиш, малакасини ошириш, хавф-хатар туғилганда тез ва тўғри харакатланиш қоидаларига риоя қилиниши борасидаги ишларни ташкиллаштиради. Ишчи ва хизматчилар ўртасида ёнгин, авария-

кутқарув масалалари юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради. Иш жойи ва хизмат хоналарини күргазмали куроллар билан таъминлайди.

3.6. Күнгилли ёнғиндан саклаш дружиналари, авария-кутқарув тузилмалари ва Ёнғин-техник комиссиясими фаолият юритишини таъминлайди, уларнинг иш фаолиятини йўналтиради ва назорат қиласди.

3.7. “Марказ” ходимларига белгиланган объектларнинг хоналарига кириш учун руҳсатнома беради:

-объектнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини текшириш ва профилактик тадбирларни ўтказиш мақсадида, олдиндан келишилган ва маҳсус талабларга риоя қилган ҳолда;

- олдиндан келишилган ҳолда, кечаси ёки кундузи, ёнғин-кутқарув бўлинмалари шахсий таркиби куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда ташкил этиладиган ёнғин-тактик ўкув машғулотларини ўтказиш мақсадида.

3.8. Объектларда ёнғин ўчириш мақсадида ташкил этилган ёнғинга қарши кураш қўшимча куч ва техник воситаларини ёнғин ўчириш мақсадидаги сув таъминотини ташкил этиш ва авария ҳолатини бартараф этишга жалб этади.

3.9. Объектлардаги мавжуд ва янгидан татбиқ килинаётган технологиялар, кўлланилаётган материал ва хомашёларнинг хусусиятлари, ёнғин юз берган ҳолатда уларни ўчириш усуслари қайд этилган объект паспортларини доимо янгилаб боради ва “Марказ”га тақдим этади..

3.10. “Марказ” шахсий таркиби ўртасида унинг хизмат вазифалари билан боғлик ҳолатда, объектнинг алоҳида хусусиятлари, саноат хавфсизлиги, меҳнат ва техника хавфсизлиги тўғрисидаги масалалар юзасидан тадбирлар ўтказилишини ташкил этади.

3.11. “Хўжалик органи” кўриқланаётган объектларни ўз вақтида, доимо ёнғин ўчириш асбоб-анжомлари, сув таъминоти, ёнғиндан дарак берувчи автоматик мосламалар ва автоматик ёнғин ўчириш, алоқа воситалари билан таъминлайди, мунтазам ишланиши текширади, техник носозлик аниқланганда зудлик билан таъмирлайди ва ўз вақтида техник кўрикдан ўтказилишини таъминлайди.

3.12. “Марказ” шахсий таркиби, пенсионерлари (расмийлаштиришдан олдин охирги иш жойи марказда бўлган ва марказдаги иш стажи 10 (үн) йилдан кам бўлмаган):

➤ “Хўжалик органи”га тегишли тиббий муассасаларда бепул тиббий хизмат қўрсатиш, даволаш, даврий тиббий кўрикдан ўтказишни ташкиллаштиради;

➤ “Хўжалик органи”га тегишли спорт мажмуя (зал)ларидан фойдаланилишига руҳсат беради;

➤ яшаш манзиллари хизмат жойидан узоқ масофада жойлашган шахсий таркибини ўз ишчи хизматчилари билан биргалиқда, хизмат автобуслари кўйилган йўналишларда, хизмат жойига олиб бориш ва қайтариб олиб келишини ташкиллаштиради;

➤ “Хўжалик органи”нинг техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза килиш бўлими билан келишган ҳолда, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, уларни бартараф килиш учун, нафас олишга яроксиз, заҳарли ҳудудларда хизмат қилган “Марказ” ходимларига, мазкур объектлардаги ишчи ва хизматчиларга берилган имтиёзларни тақдим этади;

➤ “Марказ” шахсий таркибининг мурожаатига асосан “Навоийуранд”ДК раҳбариятининг руҳсати билан “Хўжалик органи” маъмурияти ва касаба уюшмасининг қўшма қарори билан “Марказ” шахсий таркиби (Навоий шахри бундан мустасно) ёш мутахассисларига навбат асосида умумий ётоқхона ажратади, санаторий пансионат ва дам олиш масканлари йўлланмалари билан ўрнатилган тартибда таъминлайди.

3.13. “Хўжалик органи” раҳбарлари объектларда, доимий равишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини бажарилишини, ёнғин ўчириш анжомларини, сув таъминотини, ёнғиндан ҳабар берувчи автоматик мосламалар ва автоматик ёнғин ўчириш мосламаларини мунтазам ишланиши текширади, техник носозлик аниқланганда зудлик билан “Марказ” раҳбариятини ёзма равишида огохлантиради.

3.14. Ёнғин хавфи юзага келганда “Марказ” томонидан хавфни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган режани ва шу асосда шахсий таркиб, маҳсус техника, куч ва воситаларни воқеа жойига чиқиш вақтини тасдиқлайди.

3.15. "Хўжалик органи" томонидан объектларга бириклирлган ёнғин-қутқарув техникаси ва анжомларидан хизмат вазифасини бажариш билан боғлик бўлмаган холатда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

#### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. "Марказ" ва "Хўжалик органи" мазкур шартнома шартларини бажарилишига жавобгардирлар.

4.2. "Марказ" хизмат фаолиятига, бевосита ёнғинни учирилишига бериладиган баҳо, амалда бўлган Низом асосида белгиланади.

4.3. "Хўжалик органи" раҳбарлари уларга ишониб топширилган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга масъулдирлар, объектларда ёнғинга қарши профилактик тадбирлар олиб борилиши, ёнғин хавфсизлиги тадбирлари ва ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини яхшилашга мажбурдир. Узбекистон Республикаси конун талаблари асосида, расмий мақом (табельной положенности)и асосида "Марказ"ни ёнғин хавфсизлиги маҳсус техникаси, техник воситалари ва анжомлари билан таъминлашлари шарт.

4.4. Ушбу шартнома шартлари бузилган тақдирда, келишув асосида ҳар икки томон розилиги билан, белгиланган муддатда амалга оширилади.

4.5. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар конунда белгиланган тартибда, мустақил равишда уларни ҳал этиш чораларини қурадилар.

#### **V. Коррупцияга қарши шарти**

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг манфаатдор шахслари, директорлари, мансабдор шахслари, ходимлар ёки бошқа вакиллар пул тўламайдилар, тўлашни таклиф килмайдилар, хеч қандай пул маблаглари ёки қарзларини тўлашга кўмаклашмайдилар ва руҳсат бермайдилар, ҳар қандай шахсга, ҳар қандай ноконуний афзалликлар ёки бошқа ноконуний мақсадларни қўлга киритиш учун уларнинг харакатларига ёки қарорларига таъсир килиш учун бевосита ёки билвосита кўмаклашмайдилар. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг манфаатдор шахслари, директорлари, мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа вакиллари Шартнома мақсадлари учун амал қиласидан қонун хужжатларига мувофиқ, масалан, пора бериш ёки олиш, тижорат пора бериш, шунингдек, Узбекистон Республикасининг жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузадиган харакатларни содир этмайдилар.

5.2. Агар Томон Шартноманинг ушбу бўлимининг ҳар қандай коидалари бузилганлиги ёки содир булиши мумкин деб гумон қиласа, тегишли Томон шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини, бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир булмаслиги тасдиқланмагунча тўхтатиб туришга ҳақли. Бу тасдиқ ёзма хабар берилган кундан бошлаб 14 календар куни ичida юборилиши керак.

5.3. Агар Томонлардан бири ушбу бўлимда таъқиқланган харакатлардан тийилиш мажбуриятларини бузса ёки бошқа Томон бузилиш Шартномада кўрсатилган муддатда содир бўлмаган ёки содир булмаслиги ҳақидаги тасдиқни олмаган бўлса, бошқа Томон битимни бекор қилиш тўғрисида ёзма хабар юбориш орқали Шартномани бир томонлама тўлик ёки кисман бекор қилиш хуқуқига эга. Шартноманинг ушбу бўлими коидаларига мувофиқ ташаббуси билан шартномани бекор килинган томон бундай бекор қилиш натижасида юзага келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

#### **VI. Шартнома суммаси ва хисоб китоб тартиби**

6.1. Ушбу шартнома шартининг 1.1. банди талаблари асосида "Марказ" шахсий таркибининг бир йиллик пул таъминоти 12481852000(ун икки миллиард тўрт юз саксон бир миллион саккиз юз эллик икки минг) сумни ташкил этиб ушбу ҳаражатлар "Хўжалик органи" томонидан қопланади. Смета ушбу шартноманинг ажралмас қисми хисобланиб илова қилинади (1-сонли Илова).

6.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар "Хўжалик органи" томонидан "Марказ" ҳисоб рақамига, ҳар ойнинг 10 санасида, пул кучириш йўли билан амалга оширилади.

6.3. Ярксиз (ёнгин ва зарарли ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиш ва кийиш учун) холга келган жанговар(максус) кийим-бош, техник воситаларнинг қиймати белгиланган тартибда "Хўжалик органи" томонидан ҳисобдан чиқарилади.

Тасдиқланган смета асосида, "Марказ"нинг талабномасига мувофиқ, олдиндан тўловни амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда визиятлар вазирлиги Моддий-техника таъминоти базаси томонидан ҳарбий ва максус кийим-бош билан таъминланади.

### VII. Шартноманинг амал қилиш муддати.

7.1. Ушбу шартнома 2022 йилнинг 01 январидан 2022 йилнинг 31 декабригача, бир йиллик муддатга тузилади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб бир нусхаси "Хўжалик органи" да, иккинчи нусхаси "Марказ"да сақланади.

### VIII. Форс-мажор.

8.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда(нокулай обхаво шароитлари, зилзила, сув тошкени ва бошқа табиий ҳолатлар(форс-мажор) ёки ҳар икки тараф ваколатига боғлиқ бўлмаган давлат конунларининг қабул қилиниши туфайли шартнома бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган деб ҳисобланмайди.

8.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганини түғрисида З(уч) кун ичиде ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичиде хабар бермаган томон мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгараликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.


8.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади.

### IX. Томонларнинг юридик манзиллари в реквизитлари.

«Хўжалик органи»	«Марказ»
"Навоийуран" давлат корхонаси. 210100 Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Инспекторлар кўчаси 7-ўй Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг Навоий филиали, ҳисоб раками: 20210000900305623001, СТИР:201204514, ОКЭД:07210, Банк коди МФО:00196, КҚС тўловчининг кайд раками 312010031235	Ўзбекистон Республикаси ФВВ ЎМваҚОЁХБ НКМК ДК обьектларида ЁХТТЭБ 210100 Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси 1А Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг Навоий филиали ҳисоб раками: №20210000100501891001, СТИР: 200005897, МФО 00196, ОКЭД 84250
"Навоийуран"ДК Бош директорининг иқтифод ва молия бўйича ўринбосари  У.Б.Рузиев	Ўзбекистон Республикаси ФВВ ЎМваҚОЁХБ НКМК ДК обьектларида ЁХТТЭМ бошлиғи полковник  Х.Н. Зоиров



ММБДУИЗА директор  А.В. Курсенков

Транспорт БДИИЗА директор  Х.Т. Перезаров

 Кузаков Ю.К.

Ильбумин

Генеральный директор Г.Н.

14.01.2022 г. Согласовано м.

Генеральный директор ГП "Навоийуран"

ХАСАНОВ Ж.Т.

"12" 2021 г.

Начальник ЦООПБ НГМК УООПБ

МЧС РУ полковник

ЗОИРОВ Х.Н.

28 12 2021.

### СМЕТА РАСХОДОВ

На содержание личного состава Центра организации и обеспечения пожарной безопасности УООПБ МЧС Республики Узбекистан  
по объектам ГП"Навоийуран"

на 2022 год

(тыс.сум)

Наименование статей	Штат. Числ.	Факт 2021 год (ГП "НГМК")	План 2022 год	В том числе по кварталам			
				I	II	III	IV
Среднесписочная численность	206	882	206	206	206	206	206
<b>Денежное содержание</b>		<b>33 104 537</b>	<b>5 613 286</b>	<b>1 403 321</b>	<b>1 403 321</b>	<b>1 403 321</b>	<b>1 403 321</b>
Должностные оклады		15 911 326	3 728 602	932 151	932 151	932 151	932 151
Оклады по воинским званиям		10 574 246	822 209	205 552	205 552	205 552	205 552
Надбавка за выслугу лет		6 618 965	1 062 475	265 619	265 619	265 619	265 619
<b>Дополн.виды денежного содержания</b>		<b>27 908 088</b>	<b>5 180 086</b>	<b>1 295 021</b>	<b>1 295 021</b>	<b>1 295 021</b>	<b>1 295 021</b>
Районный коэффициент		5 605 529	846 586	211 646	211 646	211 646	211 646
10% ФМС		4 837 510	859 395	214 849	214 849	214 849	214 849
Класс.квалификация		2 503 340	394 990	98 748	98 748	98 748	98 748
Премии и награды		393 956	451 807	112 952	112 952	112 952	112 952
Единовременное денежное вознаграждение за поддержание высокой боевой готовности органов и войск		4 022 155	306 661	76 665	76 665	76 665	76 665
Единовременное денежное вознаграждение за непрерывную военную службу по контракту			306 661	76 665	76 665	76 665	76 665
Оплата сверхурочной работы и работы в выходные и праздничные дни и работы в ночное времяя		495 515	604 194	151 049	151 049	151 049	151 049
Класность водителям		57 679	72 560	18 140	18 140	18 140	18 140
Компенсац. взамен прод.пайка		7 449 067	846 984	211 746	211 746	211 746	211 746
Материальная помощь при уходе в отпуск и по другим причинам		2 287 722	472 480	118 120	118 120	118 120	118 120
Единовременное и выходное пособие приувольнении с военной службы		246 315	17 767	4 442	4 442	4 442	4 442
<b>Итого:</b>		<b>61 012 625</b>	<b>10 793 371</b>	<b>2 698 343</b>	<b>2 698 343</b>	<b>2 698 343</b>	<b>2 698 343</b>
<b>Затраты по командировкам</b>							

Наименование статей	Штат. Числ.	Факт 2021 год (ГП "НГМК")	План 2022 год	В том числе по кварталам			
				I	II	III	IV
Командировочные расходы		171 683	53 248	13 312	13 312	13 312	13 312
Проездные расходы		58 660	0	0	0	0	0
<b>Итого:</b>		<b>230 343</b>	<b>53 248</b>	<b>13 312</b>	<b>13 312</b>	<b>13 312</b>	<b>13 312</b>
Социальный налог		6 398 327	1 191 434	297 859	297 859	297 859	297 859
Приобретение, мед. припоратов, аптечек		8 036	1 878	470	470	470	470
Денежной компенсации за наем(поднаем) жилых помещений		413 192	16 200	4 050	4 050	4 050	4 050
Обязательное государственное страхование		44 335	11 124	2 781	2 781	2 781	2 781
Обязательное страхование жизни и здоровья спасателей спасательных служб		0	8 532	2 133	2 133	2 133	2 133
<b>ИТОГО:</b>		<b>6 863 890</b>	<b>1 229 169</b>	<b>307 292</b>	<b>307 292</b>	<b>307 292</b>	<b>307 292</b>
Содержание помещений, текущий ремонт, хозрасходы		10 116	2 292	573	573	573	573
Канцелярские и типографские расходы (50% потребности)		50 638	10 943	2 736	2 736	2 736	2 736
Почтово-телефонные расходы		20 183	4 535	1 134	1 134	1 134	1 134
Приобретение, ремонт инвентаря и оборудования		25 856	5 729	1 432	1 432	1 432	1 432
<b>ИТОГО:</b>		<b>106 793</b>	<b>23 500</b>	<b>5 875</b>	<b>5 875</b>	<b>5 875</b>	<b>5 875</b>
<i>Прочие операции (в т.ч. услуги Госбанка, кассовые расходы 2%)</i>		<i>368 659</i>	<i>85 913</i>	<i>21 478</i>	<i>21 478</i>	<i>21 478</i>	<i>21 478</i>
<i>Учебные и культпросвет расходы</i>		<i>10 006</i>	<i>2 254</i>	<i>564</i>	<i>564</i>	<i>564</i>	<i>564</i>
<i>Содержание учебных заведений</i>		<i>3 906</i>	<i>836</i>	<i>209</i>	<i>209</i>	<i>209</i>	<i>209</i>

Наименование статей	Штат. Числ.	Факт 2021 год (ГП "НГМК")	План 2022 год	В том числе по кварталам			
				I	II	III	IV
Приобретение и содержание а/транспорта.		30 504	7 091	1 773	1 773	1 773	1 773
Приобретение и содержание компьютерной и организац-вычислительной техники		13 976	3 081	770	770	770	770
Вещевое имущество (1389,2 тыс. сум износ в год)	206	1 348 904	283 389	70 847	70 847	70 847	70 847
<b>ВСЕГО</b>		<b>69 989 607</b>	<b>12 481 852</b>	<b>3 120 463</b>	<b>3 120 463</b>	<b>3 120 463</b>	<b>3 120 463</b>

В том числе:

Площадка Навои	1 521 042
Производство площадки "Учкудук"	1 953 889
Производство площадки "Нурабад"	1 571 256
Рудоуправление "Зафаробод"	7 435 666
ИТОГО:	12 481 852

0

(Двенадцать миллиардов четыреста восемьдесят один миллион восемьсот пятьдесят две тысячи) сум

Начальник ФЭО ЦООПБ НГМК  
УООПБ МЧС РУз подполковник

ЗАРИПОВ Н.Ж.

Ст.экономист ФЭО ЦООПБ НГМК  
УООПБ МЧС Руз лейтенант

ХАЙРУЛЛАЕВ С.Ё.

Бухгалтер ФЭО ЦООПБ НГМК  
УООПБ МЧС РУз мл.сержант

САТТОРОВ Ж.Э.